

HUQUQ

22

(389)

YURIDIK GAZETA

Июн

| | | | | |
|-----|-----|----|----|----|
| D. | 6 | 13 | 20 | 27 |
| S. | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch. | ✓ 8 | 15 | 22 | 29 |
| P. | 2 | 9 | 16 | 23 |
| J. | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Sh. | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Y. | 5 | 12 | 19 | 26 |

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БУЛАЙЛИК

Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган бир қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Шу муносабат билан комиссия мажлисида мамлакатимиз ёшларининг диний экстремистик таъсирлар таъсиридан ҳимоя қилишдек долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Маълумки, яқинда Андижон вилоятида одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган бола-лакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган бир қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Шу муносабат билан комиссия мажлисида мамлакатимиз ёшларининг диний экстремистик таъсирлар таъсиридан ҳимоя қилишдек долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга вазий ёки ҳолий тайинлаш масаласи ҳамда «Камолот» ЁИХнинг ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фаолияти ҳам

муҳокама қилинди.

Юртимизда воёга етмаган фарзандлари бўлган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари мунтазам амалга оширилмоқда. Бу мақсадлар учун ўтган йили кам таъминланган оилаларга республика бўйича 116 млрд. сўмдан зиёд нафақа тўловлари амалга оширилган.

Қашқадарь вилоятида ҳолийлар маблағи эвазига 93 нафар ногирон болага ногиронлик аравачаси берилган, коллеж битирувчиларини банд қилиш учун деярли 20 млрд. сўм ҳисобига 53 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилган. Қарши ва Қамаш туманларида ёшлар маркази ташкил этилган. Фарғона вилояти комиссияси ташаббуси билан меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари жадаллаштирилган.

Шу билан бирга, ўрганилган вазийлик ва ҳолийлик органлари

ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди.

«Камолот» ЁИХнинг Қашқадарь ва Фарғона вилоятларидаги бошланғич ташкилотлар ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда уларнинг бевосита иштирок этиш масаласига етарли эътибор бермаган.

Йиғилишда мазкур соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган янги имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чоралар белгилаб олинди.

Комиссия мажлисида Республика Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Инамова ва Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз

AXBOROT

Журналистлар учун брифинг

Ўтган ҳафта Республика Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий ОАВ вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари С.Ортиқова Андижонда содир этилган фожеали воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича дастлабки тергов натижалари билан таништирди.

Хабар қилинганидек, мазкур воқеа бўйича 2005 йил 13 майда Ўзбекистон Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумига таъвоуз қилиш, икки ва ундан ортқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурималарини қўлга киритишга оид моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Тезкор-тергов гуруҳи томонидан жиноий гуруҳ аъзоларини қўлга олиш, ноқонуний йўл билан олиб кетилган қурол-аслаҳаларни қайтариш ва ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш борасида чоратадбирлар қўрилмоқда.

Қўлга олинган 98 нафар шахсдан 52 нафари террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб, ҳибсга олинди. Улардан олти нафарига нисбатан, чин кўнгилдан пушаймонлиги ва қон тўкилишига алоқаси йўқлиги сабабли ушлаб туриш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилди.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 173 кишига етди. Уч нафар ҳуқуқ-тартибот ходими касалхонада вафот этди.

Террорчилар томонидан қамоқдан чиқариб юборилган 527 нафар маҳбуснинг 470 нафари ўз ихтиёри билан жазони ўташ жойига қайтишган. Қўрилган чоралар натижасида 15 нафар маҳбус қамоққа қайтарилди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Террорчилар томонидан гаровга олинган шахслардан 14 нафари жиноятчилар томонидан ўлдирилган. 40 нафар киши ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан овоз қилинди.

Террорчилар томонидан қўшни давлатга мажбурий олиб чиқиб кетилган тинч аҳоли вакиллари ватанимизга қайтариш чоралари қўрилмоқда. Бугунги кунда улардан 6 нафари — икки аёл ва тўрт нафар бола юртимизга қайтди.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш мақсадида ҳуқуқат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз муҳбиримиз

MUNOSABAT

Бобур Мирзонинг бу мумтоз сатрини мен бугун барча газетхонларга, айниқса, андижонлик кадрдонларимизга яна бир бор эслатгим келди.

Ёмонликнинг умри қисқа, фақат яхшилик одамлар қалбида узок яшайди. Кекса тарих бунни кўп марта исбот этгани учун Бобур Мирзо юқоридаги сўзларни азгу эътиқод тарзида айтиб кетган. Барчамиз сўнгги ҳафталада Андижон воқеалари ичида юргандек изтироб чекдик. Бу воқеалар тафсилотини зангори экранда кўриб, матбуот саҳифаларида ўқир эканмиз, қалбдан, руҳдан ўзимизни Андижонда адолат учун курашган элдошларимиз ва оғир пайтда дарҳол воқеа жойига етиб борган Президентимизнинг ёнида тургандек ҳис қилдик.

Сўлим баҳор кечасида тинч ором олаётган гўзал Андижон шаҳрига қора куюндай чарх уриб бостириб келганлар ўз хизмат вазифасини ўтаётган бегуноҳ посбонларни ўлдиришди. Турмадаги ашаддий жиноятчиларни ўларига тенг кўриб сафларига қўшиб олишди, оғир хасталикка чалинган одамни «Тез ёрдам» машинасида шифохонага олиб кетаётган шифокорни отиб ташлашди. Аёллар, болалар, кексаларни гаровга олиб, уларни тирик қалқонга айлантиришди. Уларни эса шу тирик қалқон ортида туриб, автоматлардан ажал ўқларини отдилар.

Мусулмончиликка мутлақо зид бўлган бундай жиноятларни қилганлар яна муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўзларини Мухаммад умматлари қилиб кўрсатадилар. Лекин Андижонда тинчлик ва барқарорлик учун олиб борилган курашлар бу ниқобларни чок-чокдан сўкиб, улқоқ

тириб ташлади. Ниқоб ортига яширинган башаралар бизга мудом четдан бир балони бошлаб келадиган бахил душманларимиз эканлиги кўпчиликка маълум бўлди. Бу гал улар аввалгидан кўпроқ тайёргарлик кўриб, «рангли инқилоб» усулларини машқ қилиб келган эканлар. Аммо уларнинг ҳамма «машқ амаллари» халқимиз ва юртбошимизнинг оқилона сай-ҳаракати, қатъияти ва метин иродасига урилиб, чилпарчин бўлди.

Минг афсуски, отишмалар пайтида кўпгина бегуноҳ миллатдошларимиз ҳалок бўлди. Ўз хизмат вазифасини мардона адо этиб, жонфидо қилган йиғитларимизнинг хотираси дилимиз тўрида абадий яшайди.

Бундай фожеа Ватанимизда тақорланмаслиги учун биз ҳаммамиз бир кемага тушган яхлит миллат эканлигимизни ҳар кун, ҳар соат ҳис қилиб яшашимиз керак. Кемага тушганнинг жони бир дейдилар. Бир вужудда бир жон бўлгани учун барча мучдалар бир-бирининг аҳолидан доимо оғох бўлиб туради ва зарур пайтда дарҳол ёрдамга келади. Масалан, кўзимизга бирор ҳавф яқин-

лашса, киприклар беихтиёр ёпилиб, уларни ҳимоя қилади. Қаршимиздан бирон шох-шабба келиб юзимизга урилмоқчи бўлса, қўларимиз зумда уларнинг йўлини тўсади. Танамиздаги бошқа аъзолар ҳам шу тарзда доим бир-бирига ҳимоячи ва жонқурдр.

Ўз миллати билан бир тан, бир жон бўлиб яшайдиган ҳар бир ватанпарвар инсон, шу миллатнинг бутун қудратини ўз қалбида ҳис қилади. Ва унинг қувончидан суғиноб, ташвишига шерик бўлади.

Шунинг учун халқимиз миллий руҳини кучайтиришга, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга куну тун эътибор бериши-

миз керак. Ўз ватанини севган ва миллий руҳи шакланган одам ҳар вақт четдан келган зарарли таъсирларга берилмайди. Ўзбекистондай дунёда бетақор, гўзал мамлакатини қандайдир халифаликнинг таркибига қўшиб юборишдек кўкнори хаёлга уммайди.

Бу кўкнори хаёлга унган Афғон толибларнинг тақдирини бир эсланг. Улар ўз мамлакатларини қай

бўлган кимсалар худди толибларга ўхшаб, улкан бир зиё масканига — мухташам театр биносига ўт қўйиб, унинг ёнишини ваҳший бир заъв билан қузатадилар.

Улуғ маданий мерос қолдирган Бобур Мирзонинг Андижонда отминиб турган улғувор хайкалига ёнаётган театр биноси кўриниб туради. Руҳи абадий тирик бўлган шоир Андижонда шундай бузғунчиликлар ва қотилликлар қилган террорчиларга истижлол қўчлари томонидан қасос қандай қайтганини кўриб туриб, ўша рубоийнинг яна иккита мумтоз сатрини айтгандай бўлади:

*Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидир,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир.*

Башорат қилиб айтилган бу сўзлар ҳал қилувчи кураш пайтида ўз тасдиғини топди. Андижонда ҳаёт қайтадан изга тушди. Ҳозир халқимиз ва раҳбариятимиз бир тан бир жон бўлиб, Андижон воқеаларининг салбий оқибатларини бутунлай бартараф этишнинг ҳамда оғохлик ва хушёрликни янада кучайтиришнинг барча чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Иншооллох, юртимизда бундай фожеалар ҳеч қачон такрор бўлмағай ва яхши киши кўрмағай ёмонлик ҳаргиз.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги «Al-ximik» хусусий корхонаси раҳбари И.Бревенко 2003-2005 йилларда 28 млн. 59 минг сўмлик маҳсулот сотиб, нақд пулни банкка топширмаган ҳамда 1 млн. 987 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловларни тўламаган.

И.Бревенко устав фондини шакллантирмай, шаҳар ҳокимлигига ҳисоб рақамига «Хамкорбанк»нинг Олмалик шаҳар бўлимидан тушган 13 млн. 900 минг сўм маъжудлигини кўрсатиб, улгуржи савдон амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рўхсатнома сўраган. Олмалик шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ҳайдаров ва мутасхисс В.Лиллар устав жамғармаси тўлиқ шакллантирилмаганлигига қарамай, корхонга улгуржи савдон амалга ошириш ҳуқуқи учун рўхсат гувоҳномасини ноқонуний берганлиги аниқланди.

ТАХИМАТШЛИК хусусий тадбиркор Ш.Наметуллаев «Пахта банк»нинг Тахमतш филиалидан 4 млн. 800 минг сўмлик кредит олиш керак эди. Нимадир бўлди-ю, унга ажратилган кредитнинг бор-йўғи 1 млн. 500 минг сўми берилди, холос. Тегишида, филиал бошқарувчиси Ж.Усенбаев кредитнинг қолган 3 млн. 300 минг сўмини бошқа ҳужжатли юртивучи субъектлар ҳисоб рақамига ўтказиб, ўзлаштирилганлиги аниқланди.

«Савдо Маркази Ангрен» МЧЖ раҳбари А.Хамроев ва фуқаро А.Мингбоевлар ўзаро келишиб, қалбаки ҳужжатлар билан «КамАЗ» автомашинасида 8 тонна кўмирни сотиш учун олиб кетаётганида қўлга олинди.

СУРХОНДАРЕ вилоятидаги «Иккиламчикораметалл» шўба корхонаси раҳбари А.Аллонов سخони ҳам, қабони ҳам куйдиргиси келмади шекли, ўз акиси «Сурхондарёиккиламчикораметалл» МЧЖ раҳбари Х.Аллонов билан олди-бердига қўл урди. Агар бу олди-бердилар конуний бўлса, уларга ҳеч ким ҳалақат бермасди. Тегишиларда А.Аллонов ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган 7 млн. 334 минг сўмлик 17.520 кг. арматурани сохта ҳужжатлар асосида чиқим қилиб, «Сурхондарёиккиламчикораметалл» МЧЖга бериб юборганлиги аниқланди.

ДАНГАРА туманидаги «Хангом-АБВ» МЧЖ раҳбари И.Раҳимов 2004 йилнинг июль-ноябр ойларида пул ўтказиш йўли билан сотиб олган 58 млн. 820 минг сўмлик харидорғир маҳсулотларни қайта сотиб, савдо пулларини банкка топширмаган. Тегишируда жамият томонидан тақдим этилган «Сут-товар» фермасини улгуржи омор сифатида ижарага бериш шартномаси «Мулкларни ижарага бериш ва уларнинг ҳисобини юритиш» Фарғона вилоят бошқармаси мутасхисси Ф.Ҳакимов томонидан ноқонуний равишда қалбақлаштириб берилган маълум бўлди. Шунингдек, Ф.Ҳакимов Учқўприк туманида рўйхатдан ўтган 8 та ХФларга ҳам қалбаки ижара шартномаларини тайёрлаб берганлиги аниқланди.

ЗАРБДОР туман «Пахта тазалаш» ОТАЖ таъминотчиси Я.Гапбаров ўзига берилган ишончнома асосида Жиззах вилоят «Механика устанонаси»дан олган 3 млн. 561 минг сўмлик «АВВГ 4/5» русумли 250 метр кабелни жамиятга олиб бормасдан фуқаро М. Имирсановга сотатганида ушланган.

Юридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖЗнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилади.

YAKSHIDIR ACHSHIQ HAQIQAT

Раҳбарлик лавозим, мансаб эмас...

Қоровулбозор туман прокуратураси томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси ўрганилганда, айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳиссадорлик жамиятлари бошқаруви раислари ходимларни ҳимоя қилиш борасида «олма пиш-огзимга туш» қабилида иш кўриб келганликлари аниқланди.

Туманда фаолият кўрсатаётган «Узпартамнож», «Узпаржуриш», «Узпартаъминот», «Узнефтгазкудқатаъмирлаш», «Узпаравоттранс» очик турдаги акционерлик жамиятлари маъмурияти ҳамда кузатув кенгашларидаги маъсул ходимлар томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмаганлиги натижасида ишчи ва хизматчиларга йил якунлари бўйича берилмаган дивидендлар ўз мuddатига тўланмаган.

2004 йил 14 майда «Узпартамнож» АЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб, унда жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича олинган даромадларини тақсимлаш масаласи кўрилган. Махлус қарори билан олинган фойданинг 50 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва қолган 50 фоизи дивиденд ҳисобида акциядорларга тўлаш лозимлиги кўрсатилган. Бирок салкам бир йилки 480 нафар акциядорга 9.427.623 сўм дивиденд тўланмаётди.

«Узпаржуриш» ОТАЖ акция-

дорларининг 2004 йил 9 июндаги йиғилишида 2003 йил якуни бўйича олинган фойданинг 60 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва қолган 40 фоизи дивиденд ҳисобида акциядорларга тўлаш лозимлиги кўрсатилган. Аммо шу йилнинг 6 апрел ҳолатига 232 акция эгасига дивиденд тўланмаган.

«Узпартаъминот» АЖ маъмурияти томонидан ҳам қўпол қонунбузишларга йўл қўйилиб, 2003 йил якуни бўйича 176 нафар акция эгасига берилиши лозим бўлган 5.465.920 сўм, «Узнефтгазкудқатаъмирлаш» ОТАЖ маъмуриятининг айби билан эса 350 нафар акциядорга берилиши лозим бўлган 18.079.139 сўм дивиденд ўз мuddатига берилмаган. «Узпаравоттранс» ОТАЖ акция эгалари ва юридик шахсларга 39.178.600 сўм дивидендини тўлаш чоралари кўрилмаган бўлса, маъмур жамият маъмуриятининг бу борадаги «бош қотириши» ҳаммасидан ошиб тушган. ОТАЖнинг 2003 йилнинг 1 апрелдаги йиғилиши қаро-

рига кўра, 2002 йил якуни бўйича дивидендларни қонунда кўрсатилган мuddатда бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлсада 2005 йилнинг 10 апрел ҳолатида акциядорларга 548.920 сўм дивиденд берилмаган.

Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида дивидендларни ундириш тўғрисида давво аризалари кўзга тилиб, судга юборилди. Дивидендларни ўз вақтида тўлашини таъминламаганликлари ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини камситишига йўл қўйганликлари сабабли тегишли ташкилотларнинг мутасаддиларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди.

Президентимиз «Раҳбарлик лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш маъсулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур» деган эди. Дарҳақиқат, бутунги раҳбар лоқайдликка беришмай, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ҳам унутмаслиги лозим.

Ф. МАХМУДОВ,
Қоровулбозор туман
прокурори

PROKUROR YORDAM BERDI

ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Қабулхонадаги сўхбатни эшитиб, фуқароларга пeshвoз чиқдик. 5-6 нафар аёл прокурор хонаси қаерда эканлиги билан қизиқшарди. Ҳолатни тушуниб, уларни Саалом Самадов ҳузурига олиб кирдим.

«Зарафшон» ширкат ҳўжалиги бир-неча ойдан буён иш ҳақимизни тўламапти.

Фуқароларнинг бир хил муаммо билан келишганлиги маълум бўлган, шикоят ўрганиш учун рўйхатга олинди. Текширишда ҳақиқатан ҳам ширкат ҳўжалиги жорий йилнинг январига эски йил ҳисобидан О.Қаримовадан 71.828 сўм, С.Бозоровдан 156.481 сўм, К.Мирзаевдан 150.390 сўм, Б.Жураевдан 109.607 сўм, Х.Сафаровдан 207.206 сўм ва яна кўпгаб ишчилардан қарздор эканлиги маълум бўлди.

Қармана туманлароо фуқаролик судига тумандаги «Зарафшон» ширкат ҳўжалигидан номларни юқориди қайд этилган фуқароларга иш ҳақини ундириб беришини сўраб, давво аризаси киритилган эди. Фуқароларнинг талаблари тўлаш ҳисобидан қаноатлантирилди.

Ф. МАМАЛАТИПОВ,
Қармана туман прокурори иш ўрганивчиси

ENTIVOT VO LING FRIBGAR!

Ёлгоннинг умри қисқа

дейди кўпни кўрган кexсаларимиз. Фирибгарлик ҳам ёлгоннинг бир тури бўлиб, уни касб қилиб олганларнинг «парвози» узoққа чўзилмаслиги аниқ. «Жиззахшаҳаргаз» корхонасининг собик хизматчилари Шухрат Норбоев ва Абдурайим Жияналиевларнинг тақдирини бунга мисол бўлади.

Гап шундаки, бу икковлон иш хойидан махрум бўлган, учрашиб қолишди. Собик ҳамкасблар бошқа иш тополмаётганликлари, эски иш жойларининг қадри билинаётганлигини айтишиб ҳасратлашишди. Шунда пул топишининг антика имконияти борлиги ёдларига тушиб қолади. Теъдда режа тузилади. Унга кўра Абдурайимдаги эски тўлов патталарининг фойдаланиб, кимдидир чўв туширишга келишишди. Шу тариқа улар «жертвалашга киришишди. Одамлар ҳам пухта бўлиб кетишган. Миқоз топиш қийин бўлди. Ва ниҳоят Жиззах шаҳридаги хусусий дўкон эгаси Х.Абдурахмонова «миқоз» сифатида мўлжалга олинди. Х.Абдурахмонова уларнинг ишдан кетганлигидан беҳабар эди. Дўконга узун-қисқа бўлиб кириб келган икки шахсининг дўк-пўлисасидан дастлаб аёл чўчиди. Ваколатлари йўқ бўлсада, газ ҳақининг нега ўз вақтида тўланмаганлиги, газ ўлчовчи асбоблари ўрнатилмаганлиги ҳақидаги саволлар билан олани роса қийнашди. Хўллас, 170.000 сўм эвазига эски қарзлар тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат беришга ва газ ўлчовчи келтириб ўрнатилиши «қўнишди». Келишилган муҳлатда пайдо бўлган устаси фаранглар Х.Абдурахмонованинг қўлига 36.085 сўмлик қарз тўланганлиги ҳақида патта тўқатишди. Албатта, бу тўлов ҳужжати қалбаки эди. Дўкон мудираси бундан беҳабарлиги боис, уларга 170.000 сўм санаб берди. Пулни олган шовоьлар кайфу сафо билан вақтни ўтказишди. Лекин уларнинг хўрсандчилиги узoққа бормади. Улар ёлгоннинг умри қисқа эканлиги ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатни унуттишганди.

Раҳматилла МАМАРАСУЛОВ,
Жиззах вилояти
прокуратураси бўлим бошлиғи



QILMISH-QIDIRMISH

А.Маҳамов кўндан буён тадбиркорлик билан шуғулланишни ўйлаб юрарди. Згуликнинг эрта-кечи бўлмагангадек, Дангара туман ҳокимининг қароғи асосан Олхамак қишлоғида «Юксалиш-Р» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этиб, унга раҳбар бўлди. Фирма ўз фаолиятини «Дустлик» ҳўжалигида ижарада турган ҳолда бошлади. Низомга мувофиқ автомобиллар ва техник хизмат кўрсатиш, эхтиёт қисмлар ва автомобиллар би-

фози, яъни 22 млн. сўмини бир ой ичида, қолган 90 фоизини икки йил давомиди, тўлаши зарурлиги ҳам буйруқда кўрсатилганди. А.Маҳамов дастлабки 10 фoизлик тўловни амалга оширди ва унга муқддан фойдаланиш ҳуқуқини берилди. Қоидага мувофиқ мулкни тасаруф этиш

Бухоро вилоят прокуратурасининг жиноятчиликка қарши курашни ташкилий-услубий таъминлаш бўлими бошлиғи Ш.Насуллоев (ўнгдан биринчи) ходимларни ўқув залидаги стендлар билан таништирамоқда.

Нафс Гуломи

лан савдо қилиш, улгуржи ва чакана савдо, спиртли ва салқин ичимликлар савдоси билан шуғулланиш, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, тикувчилик ва тикувчилик маҳсулоти савдоси, қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш фирманинг фаолият турлари қилиб белгиланган.

2002 йилнинг охирига келиб «Дустлик» ҳўжалигининг чўқаччилик мажмуаси сотиладиган бўлиб қолди. Табиийки, Алижон ака мажмуага дастлабки харидор бўлди. Вилоят давлат мулкни бошқарши ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг буйруғига биноан мажмуани сотиб олди. Унга кўра, мажмуанинг мулкий қиймати 320 млн. сўм, фирма 2002 йилдан буён ҳўжалиқда ижарада тургани боис 1.321.438 сўм ижара ҳақи ҳам қўшилиб, 321.321.438 сўмга бақоланди. Шундан 100.000.000 сўми инвестиция мажбурий сифатида киритилиши лозим бўлиб, қолган 220 млн. сўми бино ва иншоотлар ҳақи сифатида давлатга тўлашни керак эди. Харидор давлатга тўлашни керак бўлган сумманинг 10

ҳуққини берувчи давлат ордери тўлов тўлиқ амалга оширилган берилди. Аммо Алижон ака ордени олмай туриб, антақ фаолиятини бошлаб юборди.

Аваллига у 85.000 сўмлик ўт уни чеҳи, 144.667 сўмлик бино, яна 6 та бўлимдан иборат бинонинг 1 дoна 5.180.642 сўмлик қисми, бошқа биноларнинг 7571 дoна 11.270.500 сўмлик шиферлари, бинолардан кўчирилган 1.007.000 сўмлик 55.500 дoна гишт, баҳоси 1.850.000 сўм бўлган плита ёпилмалари, 528.000 сўмлик қурилиш материаллари, 1326.721 сўмлик қассобхона, 177.545 сўмлик омор, 1.027.015 сўмлик айвонларни бузиб сотди. Бу ҳолдан ташвишланган вилоят давлат мулкни бошқарши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари уни мажмуа биноларини бузмаслик, буйруқ талабларини тўғри бажариш хўсусида оғзаки ва ёзма равишда оғохлантиришди. Бирoқ оғохлантиришлар қор қилмай, янада каттарoқ ишга қўл урди. 4644 бош чўчка боқилдиган 64.805.585 сўмлик бино, 1.186.021 сўмлик истиҳи қурилмалари, 5300 сўмлик тоқарлик дастхожи, 3.547.600 сўм қийматдаги 82 бош қўйни сотиб юборди. Қараб-

сизки, А.Маҳамов икки йил давомиди мажмуанинг «бор йўғи» 94.901.433 сўмлик мол-мулкни талон-торoқ қилди. Устаси фаранг «тадбиркор» талон-торoқ қилинган мулклардан «Жавоҳир» хусусий фирмасига 2.000.000 сўм, таъмир хўсусий фирмасига 15.000.000 сўм,

Алижон Маҳамов Кўкон шаҳрида яшайди. Ёши 55 да. Келин-кўевли, набирали одам. Маҳалла-қўйда ҳам яхшигина обрў-эътиборга эга. Афсуски, ҳадемай нафақага чиқиб, набиралар даврасида қарилк гаштини сурадиган инсон бугун темир панжара ортида ўтириб...

«Япан дехқон бозори» ОТХЖга 10 млн. сўм, 19.748.600 сўми ўзининг «Юксалиш-Р» фирмасининг таъсисчиси Рус-туман Маҳамовга олинган ем ва дoрадармонлар учун сотиб, техника воситаларини таъмирлашга 3.243.500 сўм, мулк мажмуу учун вилоят ДМБТКК бошқармасига 20.000.000 сўм, туман ДСИ томонидан қўлланган молиявий жарима учун 1.075.500 сўм, бино ва ДСИ харажатлари учун 1.905.000 сўм харажат қилинди. Қолган 21.928.833 сўм нақд пулни банкка топширмай, шахсий эхтиёжи учун сарфлаб юборди. Шундай сўнг, ДМБТКК бошқармаси чўқаччилик мажмуасини «Юксалиш-Р» фирмасига сотиш тўғрисидаги буйруқ ва олди-сотти шартномасини бекор қилишни сўраб, вилоят ҳўжали судига давво аризаси билан муросоаат қилди.

Ҳеч бир шавх қонунга ланд беролмайди. Алижон ака буни жағбарликни тортилмагунча тушуниб етмади ёки тушунишни истамасди. Оқибатда...

Абдурайим АКБАРОВ,
Дангара туман прокурори,
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист



Мамалар — келажак болаларни камолатлиқ қилиш учун

Ўтган йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан «Bioekosan» мажмуасида ташкил этилган «Экологик кутубхонанинг» 1 ёшга тўлиши муносабати билан «Еш эколог-ки-тобхонлар» мактаб ўқувчиларининг

фото йўналиши бўйича Гиждувон туманидан Жаҳонгир Хайруллаев Гран-при совринларини қўлга киритишди. Ўқувчилар «Камалак» болалар ташкилоти ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совгалари ҳамда фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Жорий йилнинг апрелида «Камалак» болалар ташкилотининг ёзи мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш борасидаги ишларни ташкиллаштириш мақсадида ташкилий қўмита йиғилиши ўтказилиб, унда келгуси вазибалар, тадбирлар, кундалик фаолият дастури, дам олувчи ёшлар билан семинар-тренинглар ўтказиш ва оромгоҳларни етакчи, сардорлар билан таъминлаш масалалари кўрилди.

Ташкилот томонидан ўтказилаётган барча тадбирларнинг асосий мақсади, болалар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, болаларни маънавий-моддий томондан қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Т.МАМАСОДИКОВ,
«Камалак» болалар ташкилоти раиси ўринбосари

Ватан равиқи учун

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ташкил топган кундан бошлаб жамиятимиз ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида янги бунёдкор куч сифатида намоён бўляпти. Турли соҳаларда амалга ошираётган ишлари билан жамиятимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ўзига хос ўрин эгаллаб, уларни бирлаштирувчи, Ватан равиқи учун йўналтирувчи ташкилот бўлишга ҳаракат қилинмоқда.

2001 йилнинг 25 апрелда бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қўрултойида тасдиқланган Низомига асосан, унинг ҳомийлигида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштирувчи «Болалар ташкилоти» фаолият кўрсатиши белгиланган эди.

2002 йилда болалар ташкилоти-га «Камалак» номи берилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ ташкилотнинг фаолиятини янада кучайтириш мақсадида «Тенгдош-тенгдошга» таълими дастури асосида Сардорлар кенгаши жорий қилинди. Мақсад мамлакатимиздаги барча синф, мактаблар, туман ва вилоятларда болаларнинг ҳақиқий фаоллари ўз фикрларини бошқаларга еткази оладиган, ўз ортидан эргаштира оладиган болаларни сардор қилиб сайлашди.

Ўтган йилни ташкилотимизда «Сардорлар Кенгаши фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш йили» деб эълон қилган эдик. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги 9702 та

умумтаълим мактабларининг деярли барчасида, 290 минг 197 та синфларнинг 70 фоиздан ортиқроғида сардорлар кенгашлари тuzилиб, болалар сардорлар кенгаши атрофида жиқлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан «Меҳр ва муруват йили» Давлат дастури доирасида меҳрибонлик ва ногиронлар уйлари оталиққа олиниб, тарбияланувчилар ҳолидан хабар олиш, турли тадбирлар ўтказиш, бепул дарслиklar, ўқув куроллари, кийим-кечак, спорт анжумлари ва бошқа эсдалик совгалар билан тақдирлаш, истиқлол даврида барпо этилган иншоотларга саёхатлар уюштириш каби 400 дан ортиқ хайрия тадбирлари амалга оширилди.

Ташкилот фаолиятини ёшлар ўртасида тарғиб этиш учун, замонамизнинг ёш қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига доир хикоялар болалар нашрларида, телерадио дастурларида бериб борилди. «Янги авлод» студиясининг «Катта танафус», «Спорт майдончалари», «Имкон», «Ким эпчилу ким чаққон» каби интеллектуал ўйинларининг ўтказилишида ҳомийлик ёрдами курсатилиши билан бир қаторда ташкилот фаолияти ёритилди. Ҳаракат муассислиги ҳамда болалар ташкилоти раҳбарлигида «Тонг кудуз», «Гунча», «Синфдош», «Гулхан» журнал ва газеталари фаолият юритилмоқда.

анжумани ўтказилди.

Ёшлар онгига миллий анъаналар, ўйинлар, урф-одатларимизни синдириш, болаларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ўрнатишга тарбиялаш мақсадида ўқув йилининг бошида мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида бошланган «Варрақлар байрами»нинг айлани финал босқичи 25-26 март кунлари Фафур Фулом номли истироҳат богида ўтказилди.

Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан ўтказиб келинаётган «Сеҳрли ёғду» кино-фото фестивалининг айлани босқичи 7-9 апрел кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Фестивални ташкил қилишда асосий мақсад кино-фото касбига ўқувчиларни йўналтириш, ўзбек миллий киносини ривожлантиришга хисса қўиши ҳамда фото санъатида профессионал билмиларни оширишга кўмаклаштириш иборат эди. Фестивалда иштирок этиш учун республикамизнинг барча вилоятларидан 60 нафардан ортиқ ўқувчилар ташриф буюрди. Улар мактабдан ташқари ташкил этилган ёш кинохаваскорлар тўғрақларида суратга олган фильм ва фото суратлари билан иштирок этишди. Фестивалда кино йўналиши бўйича Қашқадар вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридан Элнур Пўлатов ҳамда



Йил бўйи ўқиб чарчаган болаларга ёзи оромгоҳларда мириқиб дам олиш олам-олам қувонч ҳада қилиши шубҳасиз. Зеро, 2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган халқ таълими ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юкляйди. Ёзда болалар учун соғломлаштириш ишларини юқори даражада олиб бориш уларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Шу мавсумда Наманган шаҳридаги ўндан ортиқ умумтаълим мактабларида 1100 нафар ўқувчи мўлжалланган болалар оромгоҳи эртадан ишга тушиши кўтилмоқда. Бинобарин, ушбу таълим даргоҳларида дам олиш масканларини ташкил этиш ишлари алақадор бошлаб юборилган. Дам олиш хоналари, мактаб ошхоналари олдиндан тайёрланиб, керакли жиҳозлар билан тўлдирилди. Дам олишга келган болаларни овқатлантириш ишларини Наманган шаҳар ўқувчи ва талабаларни овқатлантириш трести ўз зиммасига олган.

Шунингдек, кайд этиш лозимки, мактаблар мазмурияти томонидан ўқувчиларнинг устозлари орасидан оромгоҳ раҳбари, тарбиячи, етакчи ходимлар тайинланиб, болаларнинг дам олиш учун тадбир режалари тузиб қўйилди. Режада турли спорт мусобақалари ва кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Шаҳримиз кинотеатрлари билан ҳам шартномалар тузаялмиш.

Болаларнинг кўнгилдагидек дам олиш учун четдаги оромгоҳларга сайр уюштириш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги дам олиш масканларида ҳам 5640 нафар ўқувчи ишларнинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Ўқувчиларнинг ёзи таълими мароқли ва мазмунли ўтказиши, халқ таълимига қаршли барча спорт мактаблари, мактабдан ташқари муассасалардаги тўғрақлар узлуқсиз ишлаши учун кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти.

Болалар — келажакимиз. Уларнинг эртанги кунни учун хар бир киши жон куйдирмоғи, ўсиб улғайиши учун қўлдан келганча меҳнат қилмоғи лозим. Шундангина ушбу ниқоллар эртанги кун умидига айланади.
Гулнора РАХИМОВА,
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

БЕПАРВОЛИК

Вилоят ҳокимининг собик ўринбосари Ақром Иноятов раис бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш 9 ой мобайнида ҳеч қандай иш қилмади, бирон марта каровсиз, етим боланинг муаммоларини кўриб чиқмади.

Фаргона тумани, Чимён қишлоғида яшовчи Даврон ва Элдорларга акаси Дилмурод васий этиб тайинланган. Бирок, ўзи бемор, хаста ака укаларига қарай олмаган. Шунинг учун туман прокуратураси ўтган йил апрелида ҳокимнинг қарорига протест киритган. Саҳиз ой мобайнида туман ҳокимлиги болаларга васий-ҳомий тайинлаш масаласини кўриб чиқмаган. Вояга етмаган Иброҳим Қосимов ўтган йил августда Самарқанд шаҳридаги махсус мактаб-интернатда ўқини ташлаб, Чимёнга қайтиб келган. Бирок унинг юриш-туриши ҳеч қимми қизиқтирмаган.

Хонобод қишлоғида ёлғиз бобоси қўлида қолган бир ёшдан уч ёшгача бўлган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштириш билан ҳеч қим шугулланмаган. Марғилон шаҳар ҳокими қарорлари билан вояга етмаган Улугбек Назаров, Саодат Маҳмудоваларга васий ва ҳомий тайинланган. Бирок йил мобайнида уларнинг яшаш ва ўқуш шароитлари, васий ва ҳомий шахслар ўз мажбуриятларини қай даражада адо этаётганликлари бирон марта урганлмаган.

Васийлик ва ҳомийлик билан шугулланувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини изга солиш учун вилоят

ҳокимлиги ҳузурида мувофиқлаштирувчи кенгаш тuzилган эди. Кенгаш меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари шаҳар ва туманлар васийлик ҳамда ҳомийлик комиссияларининг ишини жонлантириши лозим эди. Бирок бирон марта кенгаш йиғилиши ўтказилмади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари етим қолган, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёш ҳуқуқи чекланган, муомалалар лаёқатсиз топилган, касал бўлган ҳолатларда каровсиз қолган болаларнинг, шунингдек ота-онаси тарбиялашдан воз кечган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазибаларни тўла-тўқис адо этиш маънапти. Бундай болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш, жойлаштириш, таълим-тарбия шароитларини назорат қилишга панжа орасидан қарашган. Вилоят прокуратураси, туман ва шаҳар прокуратуралари томонидан вояга етмаган етим ва каровсиз болаларга васий ва ҳомий тайинлаш борасидаги қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш чоралари кўрилди.

Ж.ФОЗИЛОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Инсон умрининг давомчиси, ҳаётининг мазмуни — фарзанд. Алаҳқусус, болажонлик миллатимизга хос фазилат. Қолаверса, жисмонан соғлом, маънан қомил бш авлод — истиқбол эгаси. Бир сўз билан айтганда, давлатнинг тараққиёти, унинг ривожига ҳам бугун вояга етайтган ёшларнинг хар хижатдан баркамоллигига боғлиқ. Вилоят прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш гуруҳи ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари, мактаб ва маҳаллаларда олиб борилятган ишлар асосидан текширишлар ўтказилмоқда.

Вилоят прокуратураси ҳузурида вояга етмаганлар билан ишлаш маркази фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий-амалий семинарлар, ёшлар, ота-оналар билан «Менинг ҳуқуқим», «Ота-онанинг фарзанд олдидagi бурчи», «Ватан саждагоҳ каби муҳаддасдир» каби турли мавзуларда мулоқотлар ўтказилмоқда.

Маҳалла, мактаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг баҳамжихат иш олиб бургани натижасида ўтган йилларга қараганда, ўсимирлар ўртасида жиноятчилик камайди. 2003 йилда 138 нафар вояга етмаганлар жиноят содир этган бўлса, 2004 йилда 111 нафар бола жиноятга қўл урган.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат билан бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаган ишлари бўйича комиссиялар, вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда 2018 нафар ўсимир ишга жойлаштирилган бўлса, 992 нафар ёшларнинг турли ўқув масканларида таҳсил олиши таъминланди. Ҳомийлар Бухоро шаҳридаги меҳрибонлик уйига 200 млн. сўмлик кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб беришди.

Жорий йил 1 апрел ҳолати бўйича вилоятда 6915 нафар вояга етмаган ногирон бола ҳисобда туради. Уларга хар ойда 12.920 сўм миқдорда нафақа пуллари ўз вақтида тўланмоқда. Ногирон болаларни тегишли реабилитация техник воситалар билан таъминланиши юзасидан ўтказилган текширишлардан сўнг Бухоро шаҳри, Шофиркон, Пешку, Гиждувон, Қорақўл туман прокурорларининг ташаббуси билан 14 нафар ногирон болага аравача, 4 та зшитиш мос-

ламалари олиб берилди.

Келажакимиз ворислари — ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига қўтарилган ҳеч қимга сир эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг

«2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш чоралар-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда Бухоро тумани «Дустлик» ширкат ҳўжалиги ҳудудида 630 ўринли янги мактаб қурилмоқда. 10 та таълим маскани реконструкция қилиниб, 14 та мактаб капитал, 30 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган.

Келажак орзулари рўёбини истаб китоб варақлаётган талаба, интернет орқали фан ангилликларига қизқаятган олис қишлоқ мактаби ўқувчиси ҳам, инглиз тилида бурро сўзлаётган бочка тарбияланувчиси ҳам ягона мақсадини миллатнинг қудратини оламга намоён этиши қўзлайди. Эзгуликка эш, янгиликка ҳамроҳ бўлайлик, десангиз болаларга беринг дунёни.

Муҳиддин ВОҲИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

NUQTAI NAZAR

Эрталаб ишга келаётиб автобуста чикдим. Ушбу бекат йўналишининг боши бўлганлиги боис автобус жилиши билан бекатга етиб қилишга улгурмаган одамлар унинг орқасидан югуриб қолишади. Кизик хол. Кўп кузатганман. Агар улар катта ёшдаги кишилар бўлса хайдовчилар кутиб туришади.

Шу кунги галати воқеа содир бўлди. Автобус ўрнидан жила бошлаганида орқа эшик томонга икки нафар болакай югуриб келди. Хар иккаласининг ҳам орқасига осиб олган папкасига қараб мактабга отланишганини билиш мумкин. Бироқ улар автобус эшигига етай-етай деганида хайдовчи эшикни ёпди, автобус худди бир нарсадан қуруқ қолгандек бир силтаниб йўлга тушди. Эҳтимол, хайдовчи ростдан ҳам уларни пайкамагандир.

Бироқ автобус ортидан хайрат тўла кўзлари билан боқиб қолган болакайларга, рости ачиндим. Одатда мактаб ёшидаги болаларга каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш жуда кўп уқтирилади. Аммо катталардан юқоридагидек «этибор» қўрган болаларнинг қулоғига бундан кейин иззат-ҳурматдан ваъз айтиш ўринли бўлар-



Ўқуш осон, ўқитиш-чи?

да қуёшга мензағулик.

Аммо кейинги пайтда бу касбга бўлган эътибор негандир озгина тушгандек. Бир замонлар «престиж» бўлган ўқитувчилик касбини негандир айримлар унчалик менсимай ҳам қолишди. Угайтлардақишлоқда тўртта зиёли бўлса, шунинг учтаси, албатта ўқитувчи бўларди. Бугун ё ҳамма зиёли, ё...

бат ўзгараётганининг яна бир сабаби, бу вазифага тўғри келган одамнинг ўтиб қолаётганидир. Амал-тақал қилиб институтни битирган «чаламудлар» ҳеч қачон ўз ишининг устаси бўлиб етишмайди. Буни бир-икки йил ўқитувчилик қилиб, бу касбнинг машаққатли дош беролмай, мактабларни тарқ этаётганларнинг тақдирини ҳам қўриш мумкин.

бўйсунинишгиз керак дея бўш келмасмиш. Отахоннинг айтишича, агар у аралашмаганида бу «жўжаўроз» ус-тоси билан ёқалашидан ҳам тоймас экан.

Маълум бўлишича, эркатой ўқувчининг амалдор отаси директорга кўнги-рок қилиб қўйган экан.

Туманлардан бирдаги мол бозордан сигир ўғирланди. Сўраб-суриштириб боришса, сигир шу ўртада яшовчи мактаб директорининг уйдан чиқибди. Хайтовур уй эгасига сигирнинг ранги ёқмаган шекилли уни «сизга» қўйиб-тириб қўйишга ҳам улгурибди...

Прокуратура органлари текширишларидан сўнг аниқланган қуйидаги масоларга эътибор беринг. «Тошкент вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидида 75 та ўқув муассасасининг 68 нафар директори давлат аттестациясидан ўказилган. Раҳбарлик вазирлигига таъинланганда интеллектуал ва салоҳиятга эътибор олиналгани натижа-сида уларнинг 24 нафари билими па-стлиги(!), 2 нафари соҳаси, 1 нафари ёши бўйича ноҳайқ деб топилган».

Фарзандининг мактабга берган бормаганлиги билан қизқижш у ёқда турсин, унга оддий одоб-ахлоқдан ту-зукроқ тарбия бермаган бундай ота-ларнинг ким деб аташ мумкин? Бу каби воқеалар иш фаолиятида икки-уч бор такрорланган, ҳар қандай асаби те-мирдан бўлган муаллим ҳам кўп сил-таб мактабни тарқ этиб кетиши аниқ эмасми?

Муқаддас даргоҳ — мактабнинг директори лавозимида ишловчи ака-миз Бенжамин бонобнинг юқорида кел-тирилган пурмаъно сўзларини амалда қўриб-қўйишга киришган кўринди.

Хар тугул мол ағалари андишали экан, мелисасозлик қилишмабди. Аммо бу воқеа мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Энг қизиғи, акамиз ҳали ҳам директор бўлиб ишлаяпти...

«Коллеж (Кўқон шаҳридаги Енгил саноат касб-хунар коллежи) да во-мат пасайиб кетган, ўқувчиларнинг дарс ва машғулотларни қолдириши оддий ҳолга айланган. Бунинг са-бабларидан бири — дарс ва машғу-лотларни савиясиз насти, ихтисоси бо-шқа ўқитувчилар ўтишган. Чунончи, ма-тематика ўқитувчиси 3.Халилова «Бо-зор ихтисодиёти» фанидан, инженер-физик Д.Қаримова «Ишлаб қижариш психологияси» фанидан «сабоқ» бе-ришган».

Қайсидир даврда шўхлик қилаёт-ган мактаб ёшидаги ўсимрга онаси танбех берапти: «Ўғлим, тўполонқил-ма, ахир ўқитувчинг ўтирибди». Бир қараганда ўқитувчига нисбатан ҳур-мат сифатидаги танбехни олқишлаш мумкин. Аммо бу танбехни бошқача-роқ талқин қиладиган бўлсақ, бола онгда ўқитувчи йўқ, жойда бемалол тўполон қилавериш мумкин деган ту-шулча пайдо бўлмайди? Қаранг-да, тарбияда ҳам тарбия бор экан.

Ўқувчилик йилларимизда маҳалла-даги тўйларга боришдан қўрирдик. Сабаби агар шу тўйда мактаб дирек-тори ёки бирорта ўқитувчи бизни кўриб қолса, тамом. Эртаси кун «линейка»-да ўртага чиқариб шарманда қили-шарди. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини мулоҳаза қилмоқчи эмас-ман. Аммо тўйда оз-моз ичиб олган катталарнинг ҳаракатлари, йўқиниқиз-нинг бутун маҳоратини ишга солиб сархуш меҳмонлардан пул йиғаётгани-нинг томоша қилиш мактаб ёшидаги болаларга ҳар ҳолда ижобий таъсир қўртамайди.

Ўқитувчи ўқувчисининг отасига деб-ди:

— Ўғлингизга бундоқ қараб қўймай-сизми, ундан нуқул бадбўй ислар кел-ди.

Ўғлим биринчи синфни тамомла-пти. Бир кун дафтарларини қўздан кечираётиб, қизилқалам билан қўйил-ган уч баҳога қўзим тушди.

Бугун эса... Бугун айрим муаллим-ларимиз тўйларда ўз ўқувчилари бил-дан қадаҳ уриштириб ўтиришганининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Чекш ҳақида-ку, гагирмасга ҳам бўлавера-ди. Бугун ўз ўқувчисидан нос ёки сига-рет қараб чекётган муаллим эртага унга қандай қилиб одоб-ахлоқ ҳақида ваъз қўйди, тасаввур қилолмайсан қилиш.

— Сиз менинг ўғлимни ҳидламагн, ўқитинг, — дермиш ота пинагини буз-май.

Албатта, бу бир латифа. Аммо орамизда ўқитувчиларнинг гагига но-писанд бўлувчи нодон оталар ҳам топилади. Ҳазрат Навоийнинг азба-ройи устозининг ҳурмати боис унинг набирасига отдан тушиб салом бер-гани ҳақида эшитганимиз. Устознинг ўзини қўйинг, унинг хешларига бўлган бу қадар ҳурмат-эҳтиромни афсуски бугун девяли урматмайсан.

— Ие, ўғлим, бу нима? Ҳали уч баҳога ўқияман денг.

Шахсан мен ичкиликка берилган ўқитувчини бу номга умуман ноҳайқ деб ҳисоблайман. Ўқитувчи ўзининг юриш-туриши, кийиниши, маданияти, маънавияти билан нафақат ўқувчи-ларга балки катталарга ҳам ўрнак бўлмоғи лозим. Ана шундангина унинг обрў-эътибори, ҳурматига зиён ет-майди.

— Дема, бу уч эмас, беш.

Ўғлимнинг қўзимга тик қараб, учни беш деб туриши тўғриси жаҳлимни қижарди.

— Бизам мактаб ўқиганимиз, уч билан бешнинг фарқига бораемиз, — дедим қовоғимни уйиб.

— Дада, бу уч эмас, беш.

Ўғлимнинг қўзимга тик қараб, учни беш деб туриши тўғриси жаҳлимни қижарди.

Ўқитувчиларга нисбатан муноса-

Отахон пойтахтдаги мактаблардан бирига иш билан бориб, ўқувчининг ўқитувчисига дўқ қилиб турганининг устидан чиқиб қолади. У ўқитувчидан баҳо қўйиб беришни талаб қилаётган экан. Ўқитувчи эса уни ўқув йили даво-мида бор-йўчи икки-уч бор қўргани, дарсларга қатнашганини боис баҳо қўришга мажбур бўлиб турганини тўғри-ришга ҳаракат қилармиш. Ўқувчи эса бу директорнинг топшириғи, унга

Сўбатимизни аштитиб турган онам эса:

— Ҳа, ўғлим-а, ота бўлиб фарзан-дингни ўқиши билан қижмайсан-да. Шунинг учун ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Ўғлинг рост гагиррапти. Ҳозир мактабларда шунақа усулга ўтишган. Рейтинг дейдим-эй... Агар уч қўймоқ-чи бўлишса бир қўйишди, ихтисот тўрт дегани.

Ҳеч нарса тушунмадим. Агар беш бўлса, беш қўйиб қўя қолишса бўлмай-димми? Нима қилишади бошни қоти-риб.

Таниш ўқитувчидан сабабини сўра-сам, бечораниннг дардқозони очилиб кетди:

— Э, дўстим. Ўзимиз ҳам роса кийнаиб кетдик. Мама ҳозир чорак якулланаяпти. Айни иш қайнаган пайт. Ишонсанг, уч кундан беш якуний бал-ларини қижараман деб бўларми бўлди. Ярим тунгача ўқу йўқ. Бухгалтерга айланаиб қолдик.

Пойтахтдаги мактаблардан бири-да немис тилидан сабоқ берувчи му-аллима билан сўхбатлашиб қолдим. Сўхбат асосида у кишидан нега мактабларда эркак ўқитувчилар ка-майиб кетаётганини сўрадим. Қар-рийб 35 йиллик стажга эга, олий тоифали муаллима, исм-шарифини айтмаслик шарти билан, қуйиниб сўз бошлади.

— Ҳамма гап маошнинг озлиғида. Ахир, эркак киши оила тебратиши керак-да. Шахсан ўзим ҳафтасига 20 соат дарс бераман. Маошим 42-43 минг атрофида. Агар солиқлар, ком-мунал хизматларга кетадиган хара-жатларни ҳисобласак, 20 мингга яқин бўлади. Бундан ташқари йўл пули, кунлик овқатланишни ҳам қўшсақ, 15 минг атрофида пул қолади. Бу пулга рўзғорни булғайсизми, болаларни уст-бошини қиласизми, китоб-дафтар олиш берасизми... ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Ҳозир мактабимизда асосан кек-са ёшдаги ўқитувчилар меҳнат қили-шади. Ёшларининг ҳам ақсарияти аёллар ёки институтнинг 5 курси та-лабалари. Уларни ҳам мажбуран жўнатишади. Ўқишни битирган, са-ноқчиларига мактабда қўлошади.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги фармонида асосан жорий йилнинг 1 майдан бошлаб халқ таъ-лими тизимидаги ходимларнинг ой-лик иш ҳақи ошириди. Эндilikда бошланғич синф ўқитувчиларининг ўртача ойлик ставкаси 51.284 сўмдан касб маҳорати ва тарбиявий ишлар учун белгиланган устама ҳақини қўшган ҳолда 83.713 сўмни ташкил этади. Юқори синф ўқитувчиларининг ўртача ойлик ставкаси эса 46.816 сўмдан касб маҳорати ва тарбиявий ишлар учун белгиланган устама ҳақларини қўшган ҳолда 77.383 сўм бўлди.

Ҳуқуқимизни томондан таълим тизимида бўлган бундай эътибордан сўнг мактабларни тарқ этаётган эр-как ўқитувчиларимиз ҳам ниятларини ўзгариштирса ажаб эмас. Қолавер-са, миллат маънавиятини юксалти-риш, эртаимиз бўлиши ёшларга илм ўргатишдек савобли ишни пулга ча-қи ҳам ўринли бўлмайди, назари-мизда.

Бошланғич синфларнинг «Алифбе» байрамидда катнашиш-га тўғри келиб қолди. Болажон-ларнинг бадийи қижилари, бур-ро-бурро шеърлар ўқиб, рақсга тушишларини кўриб ўзимнинг ёшлигим эсимга тушиб кетди. Тадбир сўнгшда эса ҳаққийи му-собақа бошланди. Аниқроқ ус-тозга бўлган «ахтиром мусобақаси». Фарзандига сабоқ берган биринчи муаллимага миннатдор-чилик рамзи сифатида ота-она-ларнинг бири гилам, бошқаси осма соат, яна бири хрусталл идишлар жамламасини топшир-моқда. Аслида-ку, бунинг ҳеч қан-дай ёмон жойи йўқдай. Аммо бун-дай совгаларни ҳамма ҳам қила олмайди-ку. Шундай экан, бу ҳол совга беролмаган оила фарзан-даларининг руҳиятига таъсир қил-дими, йўқми?

Беш нафар фарзанди бор қўшини нолиб қолди.

— Каттаимиз ўқитувчига совга олиб бермасангиз мактабга бор-майман даяпти. Маошгача анча бор, бу эса шу бугун олий берасан, деб туриб олган. Озгина қарз бериб ту-ролмайсизми?

Ўқитувчига совга берилмасин де-маймиш. Биронинг чўнгагига ҳўжа-ийлик қилмоқчи ҳам эмасмиш. Аммо ҳар нарса мейрида бўлса, бунинг устига бу ким ўзар мусобақасига айланмаса.

Ана шунақа гаплар. Муҳтасар ма-қолада мактаб, ўқитувчи, ўқувчи ҳамда ота-она муносабатлари ҳақида ай-рини фикрларимиз билан ўртоқлаш-дик. Улардан қандай хулоса чиқариш муштарийга ҳавола.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Huquq» муҳбири

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ИЛЛАТДИР

«Инсониятга доғ бўлиб тушувчи жиноятларнинг ўндан тўққиз қисми ичкилик кистови билан қилинади».
Л. Н. Толстой

Дарҳақиқат, ичкиликнинг ноҳуш оқибатлари ҳақида кўп бора эшитганмиз. Буни била туриб ҳам негадир аҳамият берареммаймиз. Оқибатда эса, сўнгги пушаймон — ўзинга душман, дея надомат чекиб ўтирамиз. Куйидаги жиноят тафсилоти ҳам айнан шу мавзуда.

Мақолаамиз «аҳрамон»и Баҳриддин Султонов қотиллик билан айбланапти. У Қашқадарё вилоят ишчилар таъминоти бўлимининг Муборак тумани филиалида ишчи бўлиб ишлаб юрганди. Баҳриддиннинг хулқ-атворида кўзга кўринарли қусур йўқ, у ҳақида ҳеч ким бирор салбий сўз айтмас эди. Уй-рўзгор ташвиши билан тинчгина умргузаронлик қилиб юрган бўйиғи бир гал жал қотиб миниб, қандай қилиб қўлини қонга белаганини билмай қолди. Афсуски, унинг жиноятга қўл уришига ароқ сабаб бўлди.

Байрамларни ичкилик ичиб нишонлаш одати бизга қандай кириб келгани номаълум. Бу бемаъни «удум»ни Султоновлар оиласи-ю яқинлари Наврўз айёмида «давом эттиришди». Қўншаҳар қишлоғида бўладиган байрамга бориш учун Баҳриддин сахарлаб йўлга чиқди. Ҳақиқатлари байрам паловини тайёрлашни Баҳриддиннинг зиммасига юклаганидан.

Наврўз айёми ўтказиладиган жойда Баҳриддин ҳамқишлоғи Эр-

кин Умиров билан палов тайёрлайдиган бўлди. Улар энг шимариб ишга тушишди, бири гўшт тўради, бири сабзи. Ишқилиб, икковлон тушгача ошга дам бо-

сишди. Соат 14 ларда ошни тарқатишгач, ўзлари ҳам «байрам» қиладиган бўлишди. Баҳриддин ҳамкишлоқлари ва қариндошлари билан бирга ўтирди. Улар даврасида байрамни нишонлашди.

Бутун оила, қариндош-уруғ жам бўлиб, бир ярим-икки соатча хурсандчилик қилиб ўтиришди. Аммо ароқ ичиб яшигина маст бўлиб қолган Сафар бу хурсандчиликка ошга тушган пашадек бўлиб қўшилди. У ҳе йўқ, бе йўқ, амакиси Баҳриддиннинг ёнига келиб ҳеч бир сабабсиз, одамларни олдида ҳақоратлаб сўка кетди. Табиийки, Баҳриддиннинг жаҳли чиқди. Энди ўрнидан тураётганда, Сафарнинг онаси Гавҳар опа

унга ялинди:

— Қўй, Баҳриддинжон, бунга эътибор қилмагин. Кўриб турибсан-ку, ўғлим маст. Яна бир балони бошлаб юрманлар. Яхшиси, сен уйингга бор.

Баҳриддин чиндан ҳам Сафар билан ади-бади айтишиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини фаҳмлади. Унинг бу ерда қолиши ортқача эди. Шу боис ўғилчиси Жалолиддинни етаклаб уйига кетди.

Уйига келса, хотини Жумагул Баҳриддиннинг опаси Ҳайитгул билан гаплашиб ўтирган экан. Опаси билан сўрашди-да, бироз дам олгани уйга кирди. У ерда кириши билан Сафар ҳовли деворидан сакраб тушди. Ҳовлидаги икки аёлнинг

эсхонаси чиқазди.

— Тинчликми, Сафаржон? — жинянига юзланди Ҳайитгул опа. Сафар эса оёғида зўрга турар, кўзлари қизариб кетганди. У аммасининг гапига эътибор ҳам бермай, Жумагулга қаради:

— Эрингни топиб бер! — Уйда дам олаяпти, — деди у. — Қўйгин, Сафаржон, маст экансан, уйингга бориб дамнинг ол, — жиянига ёпишди Ҳайитгул.

Сафар уйга кирмоқчи эди, Жумагул йўлини тўсди. У янғасининг ёқасидан олиб бўйнидан бўға бошлади.

— Баҳри, уйдан чиқмасанг, хотинингни бўғиб ўлдирман! — дея

ОШГА АТАЛГАН ПИЧОК

ЖИЯНИНГ КЎКСИГА САНЧИЛДИ

бақирди ҳовлини бошига кўтаргудек бўлиб.

Воқеанинг гувоҳи бўлиб турган болаканинг ўтақаси ёрилаёзди. Кўрқандан уйга отилди:

— Дада, Сафар амаким ҳовлимизга келиб жанжал қилаяпти. Сизни қақираяпти, — деб қолди.

Баҳриддин жанжални эшитиб, таъби хира бўлди. Кийимларини ҳам алмаштирмай, ҳовлига чиқди.

Уни кўрган Сафар янғасини итариб қориб:

— Юр, четга чиқиб гаплашамиз, — дея амакисининг ёқасидан олди.

— Ёқамни қўйиб юбор! Мен ҳеч қаерга бормайман, гапинг бўлса шу ерда гапирар, — газабини босди Баҳриддин.

— Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Ўн тўрт минг сўм пулимни қачон қайтарасан, — дея сўзна кетди Сафар.

— Ўзинг мендан олган олтига қўйимни қачон қайтарасан?

Баҳриддиннинг бу гапидан Сафар тутакиб кетди. У тўсатдан амакисининг юзига мушт тушириб қолди. Шундан сўнг муштлашув бошланди. Сафар Баҳриддинни ерга йиқитиб, бўға бошлади. Баҳриддиннинг нафаси қайтиб ўзини идора қила олмай қолди. У ёнидаги пичоғини чиқариб қандай қилиб Сафарнинг кўксига санчанганини билмай қолди...

Афсуски, Сафарнинг йўқ ердан жанжал чиқаргани унга жуда қимматга тушди. У касалхонага олиб кетишга тўғри вафот этди.

«Ғазаб устида берган ҳар бир зарбамиз охир-оқибат ўзимизга келиб тушади», деган эди инглиз жамоат арбоби Уильям Пенн. Шундан бўлди ҳам. Ахир Сафар билан Баҳриддин амаки-жиян эдилар. Авваллари уларнинг орасида ҳеч қандай келишмовчилик бўлмаган, биргина ичкилик кетидан чиққан жанжалнинг оқибати шу зайлда фожеали якун топди. Жанжалга аянали хотима берган пичоқни эса Баҳриддин атайлаб олиб чиқмаган, байрамдаги ош учун шу пичоққа сабзи, гўшт тўраган, уйга қайтач, ҳали костюмини ечишга улгурмаганди...

Х.СОХИБА,
журналист

AFSUS

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида бир иш кўрилди. Судланувчи Марат Аҳмадуллин қотилликка айбланиб, ишга жалб қилинган. Ёши қирқдан ошган Марат бундан олдин ҳам судланишга улгурган, уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия туфайли жазодан қутулиб қолганди. Бу сафар ундай бўлмади. Ўз укасининг умрига зомин бўлган Марат Аҳмадуллин суд ҳукми билан 12 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жигарининг жонига қасд қилишга Маратни нима мажбур этди?

Этарди. Бироздан кейин Маратнинг эшикни бўзиб юборгудек уриши ва бақиригидан уйғонди, шекилли, ичкаридан гўнғир-гўнғир овоз чиқа бошлади.

— Ха, нима дейсан? Ҳе сени... Ухлашга қўясанми?..

— Қани менинг ғозларим, кимга сотдинг? — Мен ғозларингга қоровулманми?

Бир маҳал эшик очилиб, қўлида бўлга

унга тинчлик бермасди. Сабри чидамай, укасиникига йўл олди. Келинидан Элдорнинг турганлигини сўраганда, у уйга кирмаганини, эрининг ҳам турган-турмаганини билмаслигини айтди. Марат шовилганча, уйга кириб укасига разм солади. Элдор эрталаб қандай бўлса шундай ҳолда ётар, бадани ҳам аллақачон совуб қолган эди. Марат укасининг ўлганини билганча, ташқарига чиқиб келинига бор гапни айтди.

— Вой, энди нима қиламан?

— Ўзингни бос.

Битта-яримтага гуллаб юрма. Мен

бу аҳмоқни деб қамалиб кетишни истайман.

Марат укасининг жасадини қолга солиб, онилхонага беркитиб қўйди. Кечаси эса қоп ичига яна 4-5 та гишт ва черепица бўлақларини солиб «Чилисой» каналига ташлаб келди.

У шу йўл билан жиноятини яшироқчи бўлганди. Аммо укасининг «гўри» — қопга гишт қалаб қилган жинояти узок вақт сир бўлиб қолмади. Орадан бир кун ҳам ўтмай у айбланувчи тарикасида ҳамоққа олинди. Тергов жараёнида эса унинг барча жиноятлари фош этилди.

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,

Тошкент вилоят прокурорининг катта

ёрдамчиси

Фозил МАМАШАРИПОВ,

«Нуқуқ» муҳбири

«Иноқ» ақа-уқалар

Нима бўлганда ҳам оилада тинч-тотувлик бўлсин экан. Агар носоғлом муҳит вужудга келса, бундай оилалар ҳамма нарсани қуттиш мумкин: ўғрилликни ҳам, қотилликни ҳам...

Узу-кун бўладиган жанжаллардан безган хотини боласини олиб кетиб қолгач, у билан ажрашган Марат ёлғиз ўзи яярди. Укаси Элдор ҳам хотини ва икки боласи билан унга қўшни. Лекин бу оилага ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. Кунига ичиб келиб жанжал қиладиган, ҳатто ароқ учун ён-атрофдагиларнинг товуғи-ю ўрдагини ўғирлаб сотиб ичадиган Элдор қўни-қўшчиларга отининг қашқасидек маълум бўлиб, уларнинг сабр қосасини тўлдириб юборганди. У ичиб келиб хотини билан болаларини кўчага ҳайдар, уларни мурасага келтиришга эса кўп ҳолларда Марат балоғардон бўларди.

Уша кун ҳам шундай бўлди. Кечки пайт Маратнинг уйига жияни келиб, дадаси яна ичволиб уларни уйдан қувиб чиққанини айтди. Укасини яши билган Марат сўйинганча ўша ерга етиб борди. Ҳақиқатан ҳам укасининг хотини болалари билан ташқаридан, совуқдан дийдираб туришар, Элдор эса эшикни ичкаридан тамбалаб олганча бақир-чақир қиларди.

— Элдор, эшикни оч! — Маратнинг овози буйруқ оҳангига янгради.

— Сени чим қақирди? Йўқол бу ердан.

— Эшикни оч дегилман сенга. Бўлма-са...

Акасининг дағдағасидан кўрқдимми, ҳарқалай у эшикни очди. Лекин қўлига болгани ушлаб олган Элдорни кўрган Маратнинг ўтақаси ёрилаёзди.

— Сен кимсан-ки, менга бақирасан?

— Бақирганим йўқ, — ўзини бироз орқага

олди Марат. — Шунчаки уйда яхши бир шиша вино борида. Биргаллашиб ичамизми деганди.

Винони эшитган Элдор қўлидаги болгани ташлаб акасига эргашди. Уйга қайтишгач эса Марат энди ундан қутулмаслигини билиб, бир шиша винони олди ва биргаллашиб ича бошлади. Шайнинг охири кўриниб қолай деганда бирдан Элдорнинг қўзи уй олдида юрган иккита ғозга тушди.

— Бу ғозлар кимники?

— Кимники бўларди, меники.

— Кел, шуларни сотиб, ичамиз.

— Эсингни едингми, сотмайман.

— Мендан қизғанаясанми шуларни.

Лекин Марат анойилардан эмасди. Уканин шунчаки хоҳиши учун ғозларни бериб юбормади. Элдор қолган винони ичиб бўлгач, сўкина-сўкина уйига жўнади. Марат эса вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун ухлагча ётади.

Одатда тонг сахарда Маратни ғозлари ғониллаб уйғотарди. Аммо бу сафар нимагадир жим-житлик. Уйқудан уйғонган Марат кўнгли безовта бўлганча ташқарига чиқди. Ғозлар кўринмади. Уйнинг у ён-бу ёнига ўтиб қаради. Лекин ғозлар йўқ эди. Марат кечаги воқеани эслади-ю, тўғри укасиникига йўл олди.

Бу сафар ҳам ўша ҳолатга дуч келди. Келини болалари билан ташқаридан совуқдан жунжикиб туришарди.

— Элдор қани? Яна ичкаридами?

— Ҳа, ичкарида, — қайноғасининг тонг сахардан йўқлаб келиши келинини бироз шошириб қўйди.

— Ҳой, Марат, эшикни оч! Ғозларини нима қилдинг?

Уй ичи жим-жит, афтидан Элдор ухлаб

Қадим ўтган замонда ўз укасининг ерларини босиб олган подшоҳнинг олдида муштипар аёл бош уриб келибди. У ўз ақинларини излаб келганлигини, улар подшоҳга қаршилик кўрсатиб асирликка тушганлигини айтибди. Подшоҳ хизматкорларига айтиб, аёл тилга олган кишиларни ҳузурига олиб келтирибди.

— Булар сенин киминг бўлади, — сўрабди подшоҳ.

— Биринчиси умр йўлдошим, иккинчиси туғишган жигарим — иним, учинчиси эса фарзандим бўлади, — дебди аёл.

— Улар менга қарши чиқмаган. Шунинг учун ҳаммаси ўлимга маҳкум. Лекин сен аёл бошинг билан бош уриб келганин учун улардан фақат биттасини озод қилишим мумкин. Тайла, — дебди подшоҳ.

Аёл узок ўйлаб охири бир қарорга келибди. Яқинларининг ичидан укасини озод қилишини сўрабди. Бу холдан таажубланган подшоҳ аёлга:

— Нимага энди яхши ёмон кунингга сен билан бирга бўлган умр йўлдошингни, қийналиб вояга етказган фарзандингни эмас ининингнинг ҳаётини сўрадинг?

— Агар тақдиримда бўлса эрим ўлгани билан яна эрга тегарман. Балки олод берса яна фарзанд ҳам кўрарман. Лекин битта-ю битта инимни ҳеч қайтариб бўлмайман. Чунки бизларни вояга етказган ота-онамиз аллақачон оламдан ўтиб кетишган, — дебди аёл.

Подшоҳ аёлнинг фароситига тан бериб, тутқунликдаги барча асирларни озод қилибди ва тезда ўз юртига қайтиб кетибди.

ТО'RTINCHI HOKIMIYAT HAQIDA SO'Z

Информация капиталга ўхшайди, уни йиғиш, йўналтириш ва келажак учун сақлаш мумкин.

СТОУНЕР

«Ҳозирги кунда дунёда кучларнинг нисбати тубдан ўзгарди. Биринчи мотида, иккинчи конвейер ва учинчи бу компьютер» деб таъкидлаган эди машҳур олим Х.Тэффлер ўзининг «Янги цивилизация яратиш» асарида.

Информация деганда, (лотинча «informatio» тушунтириш, изоҳ бериш, тасвирлаш ва баён этиш маъноларини билдиради) бирон бир маълумотни бошқа кишига оғзаки, ёзма ёки турли сигналлар билан етказиб бериш тушунилади.

Бугун давлатлар хавфсизлигини информацион хавфсизликсиз тасаввур қилиш қийин. Информацион хавфсизлик бу жамият ва сиёсий элита информацион майдонининг химояланганлиги, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун манфаатларга мос муҳитнинг яратилишидир. Информацион хавфсизликка таҳдид эса жамиятнинг информацион муҳитига, унинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишига тўқинлик қилувчи омиллар йиғиндисидир. Бунда информация қабул қилиш ва узатиш воситаларининг хавфсизлиги катта аҳамиятга эга. Шунингдек информация аниқ, ишончли ва маълум бир шаклга эга бўлиши керак.

XX асрда информация узатиш ва қабул қилишда янги воситалар кашф этилди: Радио, телевидение, интернет, факс ва нихоят мобил алоқа воситалари шулар жумласидандир.

Интернет бугунги кунга келиб энг асосий информация манбаи бўлиб қолмоқда ва интернетдан фойдаланувчилар сони кундан кунга ортиб бораёпти. Масалан, 1995 йилда ундан фойдаланувчилар 90 миң кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 171 млн., 2002 йилда 500 млн. ва 2005 йил охирига бориб бу кўрсаткич, 1 млрд.га етиши кутилмоқда. Уларнинг 40 фоизи Шимолий Америка давлатларига тўғри келади. Интернетнинг вужудга келиши тез ва кўп миқдорда информация тарқатиш имкониятини бериш билан бирга, халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид сола бошлади.

Шу ўринда информацияни урушларга қисқача таъриф бериб ўтсак. Информацион урушлар бу икки томоннинг махсус (иктисодий, сиёсий, дипломатик, ҳарбий ва ҳоказо) воситалар ва усуллардан фойдаланиб, рақибнинг ахборот майдонига таъсир ўтказиш ва ўз олдига қўйган мақсадга етиш йўлида олиб борган курашидир. Бу турдаги курашлар асосан икки турга бўлинади:

Информацион-технологик урушлар – бунда асосий таъсир ўтказиш объекти информацион-технологик системалар ҳисобланади.

Информацион-психологик урушлар – бунда таъсир ўтказиш объекти рақиб томоннинг сиёсий элитаси ва аҳолиси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, нафақат интернет, балки телевидение, нашрлар ва ҳоказолар воситасида турли хил таъкидлар ўтказилиши мумкин.

CNN ва ВВСнинг ташкил этилиши ва дерили бarchа худудларга узатилиши аҳоли орасида ҳам, давлатлар орасида ҳам, корхона, ТНК ва биржаларда ҳам сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Дунёнинг бир чеккасидаги нохуш ходиса ёки инқироз одамларда «ни-

мадир» қилиш керак деган фикр уйғотди.

Замонавий ОАВ тўғрисида кўпчилик давлатлар эски анъанавий дипломатиядан оммавий дипломатияга ўтишди. Бу ҳол айниқса АҚШ мисолида яққол намоён бўлади. Француз политологи Ф.Бретон шундай дейди: «Оқ уй ҳар қандай маълумотни тўла мафқуралаштирган ҳолда етказиб беришга устасифа-

дид. Яъни, турли хил йўллار билан юқоридagi тизимларга хавф солиш, телекоммуникация ва алоқа бозорларига киришга тўқинлик қилиш, чет элдан импорт қилинадиган янги информация технологияларни чегаралаб қўйиш;

Давлат ҳудудидоги ва хориждаги информация ва телекоммуникация воситалари ҳамда тизимларига таҳдид, бошқача қилиб айтганда уларнинг эркин фаолият юрити-

рида инглиз тилида сўзлашувчи давлатларнинг мавқеини мустаҳкамлаш табиий.

Персонал компьютерлар ер юзиде 234 млн.ни ташкил этса, шундан 96.6 миллиони АҚШ, 72.8 миллиони Европа ва 16,1 миллиони Япония ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳага катта эътибор берилган. Соҳани бевосита тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Электрон

логияларнинг ривожланиши давлатларнинг барқарорлигига олиб келса, иккинчи тарафдан информация технологиялар орқали олинган информациялар давлатлар хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ҳозирги кунда информация узатиш тезлиги шу даражада тараққий этганки, дунёнинг нариги четиде турган одам бу четиде турган воқеа ва хабарлардан бемалол воқиф бўлади. Лекин масаланинг иккинчи жиҳати

Информацион таҳдид



ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси тўғрисида»-ги қонун, 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги қонунлар жумласидандир. Ўзбекистонга интернет глобал тармоғи 1996 йилдан кейин кириб келган ва айтиш мумкинки, энг асосий ахборот манбаларидан бирига айланган. Ахборотлаштириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни мамлакатимизда давлат тартибга солади. Давлатнинг ахборотлаштириш соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари ахборотлаштириш концепциясида белгиланиб, ахборотни тартибга солишни, стандартлаштиришни, ягона ахборот майдони яратишни ҳамда республика жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириши учун шароит яратишни, республикада яратилаётган ва четдан келтирилаётган техник, дастурий ва технологик ахборот воситалари ҳамда ресурсларини сертификация қилишни, ривожланган, мукамал ва ишончли ахборот инфраструктурасини шакллантиришни, оммавий фойдаланувчининг қўриб етдиган истиқболли ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва хорий этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлidir. Қонунлар шунингдек, илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш, ахборот ресурсларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ Ўзбекистон манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини химоя этиш мақсадида ахборотларни ҳамда уларни қайта ишлаш ҳамда амалиётга хорий этишни назарда тутди. Давлат хавфсизлигини информацион таҳдидлардан сақлаш мақсадида 1993 йил 7 майда «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»-ги қонун ҳам қабул қилинган. Давлат сирлари бу давлат томонидан қўриқладиган алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий сирлардир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат сирларини қўриқлашга алоҳида эътибор берилди ва бу учун ҳар қандай давлат миллий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган.

Информацион технологияларнинг юксак даражада тараққий этиши бевосита давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Информацион таҳдидлар орқасида доимо мафқуравий курашлар ётган, давлатлар томонидан информация тўплашдан мақсад ҳам шу курашларда ютиб чиқиш бўлган. Бир тарафдан информация техно-

ҳам бор, яъни узатилаётган информациянинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик даражаси. Кўп ҳолларда воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар реал воқелик билан тўғри келмаётганлиги дуч келамиз. Албатта, бунинг орқасида мафқуравий курашлар ётади. Ушбу вазиятда бевосита воқеа ва ҳодисалар юз бераётган давлат жабр тартибда, лекин бундай ноҳолис информацияни етказиб берган тарафга қандай жавобгарлик белгиланганлиги халқаро қонунчиликда очик бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда Андижонда бўлган воқеалар ва уларни баён этган ОАВ тўғрисида тўхталасак. Ҳар бир ОАВ реал воқеликни ўзининг нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилиши НТВ, РТР, ВВС, CNN каналларидан келадиган информация таҳдиднинг бир кўринишидир. Дунёдаги айрим давлатларни ҳозирда қаерда яхши воқеа бўлаётганлиги эмас балки, қаерда муңдхш воқеалар бўлаётганлиги кўпроқ қизиқтиради. Нега деганда уларнинг кўпчилиги бундан ўзининг фарз мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бундай ОАВ томонидан Ўзбекистонда бўлаётган реал воқеаларнинг моҳияти очик берилмади. Одамларни чалғитишга уринишдан бирор наф кўра олишмади.

2005 йил 14 май куни Тошкентда мамлакатимиз ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Президент Ислам Каримов «Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди» дея таъкидлаганида, бу гап айрим хоржий ОАВнинг вакиллари ҳам қаратилганди. Сабаб, хоржий ОАВ бераётган нотўғри информациялари реал воқеликка мос келмади. Шу йилнинг 17 майда Республика Бош прокуратурасида бўлиб ўтган чет эл журналистлари ва дипломатик корпус вакиллари иштирокидаги матбуот анжуманида юртбошимиз ҳақиқат эгилиши мумкин, лекин симмаслигини яна бир бор намоён этди.

Информация етказувчининг зиммасида доим битта масъулият, яъни рост сўзга хиёнат қилмаслик ётиши керак. Мамлакатимизга нисбатан қилинган информация таҳдидлар соғлом фикрли ҳар бир кишининг оқ-қорани яхши англаб, бундай бўҳтонларга нисбатан теран фикр юритишга ундайди.

Мардонбек БОБОЖОНОВ,
ТДЮИ талабаси,
Улуғбек АДАМБОВЕВ,
ЖИДУ талабаси

рангдир».

Энди бевосита давлатга қарши юзага келиши мумкин бўлган информация таҳдидлар ва уларнинг турларига тўхталиб ўтсак.

Бирон бир шахснинг конституцион ҳуқуқлари, унинг маънавий оламини таҳдид. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг шахсиятига, унинг қафолатланишига қаратилади. Яъни, фуқароларнинг розилигисиз улар ҳақида ёзиш ман этилади, уларнинг ўтмиши ва оилавий ҳаёти сир сақланиши қафолатланади.

Давлатлар сиёсатига информация таҳдид. Бунда асосий ҳафз-хатар қуйидагилардан иборат:

- а) давлатлар информация майдонини монополаштириш, унинг ички ва ташқи ахборот манбалари устидан назорат ўрнатиш;
 - б) давлат ичиде ва хорижда ОАВ фаолиятини таъкидлаш;
 - в) давлатга ахборот етказишнинг етарли даражада ташкил этилмаслиги, давлат сиёсатини шакллантириш ва етарлича ёритиб берувчи малакали кадрларнинг етишмаслиги.
- Давлатдаги мавжуд телекоммуникация, алоқа ва бошқа информация тизимларига таҳ-**

шига йўл қўймаслик.

Ривожланган давлатларда ҳар 100 кишидан 54 тасида мобил телефон мавжуд. Аммо ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич атиги 5,2 (Туркманистонда 8,22; Эфиопияда 0,34) тани ташкил этади. Бутун ер юзиде 739 млн. афроғида уяли алоқа тармоқлари бўлса, шуларнинг атиги 14 миллиони Африка давлатларига тўғри келади. Уларнинг ҳам 90 фоизи Жанубий Африка республикасидадир. Информацион технологияларнинг қолоқлиги давлатларнинг иқтисодий ахволи, сиёсий обрўсига бевосита таъсир этади. «The Grand Chessboard» асарида шундай ёзилади: «АҚШнинг гегемонлиги яқин 40 йилликда хавф хатарга учрамайди, чунки АҚШ билан ҳеч бир давлат қуйидаги туртта соҳада баҳс-лаша олмайди: иқтисодий, ҳарбий, маданият ва информация технологиялар. Зеро, информация технологиялар ривожланмаган давлатлар ахборот урушлари тўғрисида ўзларининг нафақат информация, балки сиёсий хавфсизлигини ҳам йўқотадилар».

Жами интернет ресурсларининг 78 фоизи, электрон бизнесдаги сайтларнинг 96 фоизи инглиз тилида. Бу ўз навбатида ахборот урушлар-

KITOBINGIZNI O'QIDIM

Сарлаҳани ўқиб кишининг кўнглида ғалати хис уйғониши мумкин. Чунки детектив асарларда изқувар, қонунларни четлаб ҳаракат қиладиган қаллобнинг таъкибчиларни устамонлик билан қалғитиши ва ниҳоят жиноятнинг фош этилиши каби аънавий сюжетлар одад тусига кириб қолган. Бирок детектив асарларда ҳам инсон тақдир, жиноятнинг қандай тўғилиши, унда инсон боласининг ақл-идрок, виждон-этикод сингари буюқ фазилатлардан фойдаланмай нафс деген балого қандай грифтор бўлишини мунгли кўшиқдек ҳикоя қилиниши мумкинлигини «Ғалати ўғри» деб номланган детектив қисса ва ҳикоялар китобини ўқиб ишонч ҳосил қилдим. Тўғри, дунёнинг бошқа мамлакатлари бадий адабиётда детектив жанри анча олдин шаклланган бўлиб, уларда ёзувчилар хусусий мулкка асосланган ҳаёт тарзида инсон шайни ва кадр-қимматини менсимасан айрим кимсаларнинг мол-дунёга ўчилиги, бойликка хирс қўйиши ва айниқса, жамиятда ишлаб чиқилган қонунларни четлаб ўтиб, умуминсоний тараққиётга қандай зарар етказиши тўғрисида бонг уриб, халқда ижтимоий фикр уйғотган эдилар.

ҳаётини кўрсатишда Норкизил образида алоҳида тўхталиш лозим. Чунки асар қаҳрамонининг ўзи билмаган ҳолда жиноят оламга киритилишида бу одамнинг катта хизмати бор. Трактор гаражининг помпа йўқолганини тўғрисида гараж мудирини Қосим қирриқ устакта инспектори Норкизилга мурожаат қилганда, инспектор бу майдда ишдан фойда кўрмаслигини биллиб, аризани олмайди. Бирок Қосим қирриқ ниҳоятда мижгов, ўз номи билан ажралиб турувчи одам эди. У

таёгини ерга ташлаб қасам ичиш ҳақидаги талабини бажара олмай қўлға тушган чўпон Бобойнинг тақдирини каби халқ этномаданияти билан боғлиқ ўринлар ҳикоя қилинган.

Асарда илк бор жиноятчилар дунёси оstonасига қадам қўйган Тўхтамуроднинг қандай кутиб олиниши тасвири ҳам аътиборга лойиқ. Тўхтамурод камерада ўтирган одамларга ўзини бу ерга қандай келиб қолганини айтганда, дастлаб умуман аътибор бермаган йигитлар энди унга хайво-

қилимига иқроор бўлиб, йўқолган помпани келтириб бергани ва суд унга ноилжод содир қилинган жиноят сифатида жазо тайинлашни аналгайди ва терговчини чақириб, нима учун ишга «темирдан қаллаш» маросимини кўшмағаллигини сўраб танбех берганида у аблаҳ Норкизилнинг ноқонуний ишга шерик бўлганидан пушаймон бўлади.

«Ғалати ўғри» қиссасида бугунги кун ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қилиниши керак бўлган ишлар, қонундаги айрим ўринларнинг инсон тақдирини билан ҳали ўнчалик мутаносиб келмаслиги, периферияда ишлайётган қонун ҳимоячилари устидан назорат, айрим жиноятларнинг очилмаётганига нималар халақит бераётганлиги, баъзи ҳуқуқ-тартибот ходимларининг инсон тақдирига енгил-елли қарашини сингари масалалар ҳақида ҳам кишини ўйлантирадиган оҳанг сезилиб турибди.

Қиссадаги прокурорнинг марказдан келган комиссияга қарата айтган: «...қамашдан мақсад нима, жазолашдан мақсад не? Агар мақсад қайта тарбиялаш бўлса, бунинг нима масини қамаб тарбиялади? Қамаш — охириги чора, бу эса қамашга ҳам, тарбияга ҳам муҳтож эмас.» қабилидаги гаплари юртбошимизнинг хозирги қонун ҳимоячилари олдида қўяётган вазифаларига мос келади.

Демократик қонунчиликка асосланган жамиятда одамларни ўз ҳуқуқларини билишга ўргатиш, бу нарса бозор иқтисодиёти муносабатларига бошқича-бошқич ўтаётган юртининг иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ҳаёти ривожини учун муҳим рол ўйнашда «Ғалати ўғри» қиссасига ўхшаган замонавий ўзбек детектив асарларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Хозирги давр тақозо қилаётган одамлар орасида жиноятчи қазо бериб эмас, балки унинг олдини олиш билан эл-юртда соғлом маънавий муҳит яратиш кераклиги мунгли куйдек бадий тасвирланганлиги маъзур асарнинг ғоявий-бадий қимматини белгилайди.

Тўпلامдаги беш ҳикоя ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Уларнинг қаҳрамонлари ҳам замонавий ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари, инсон тақдирини ҳаққарамайдиган, кеча-ю кундуз эл-юртнинг тинчлиги йўлида хизмат қиладиган одамлардир.

Саид АЛИМОВ, Ўзбекистон Миллий университети доценти

Ғалати ўғри



Йўқолган помпани топиш учун яна бир ташаббус билан чиқди. Ташаббуснинг воқеалар ривожини борда муҳим ўрни борлиги тўғрисида

нот боғида Африкада учрайдиган бир жонзоти томоша қилаётгандек ҳайрат билан қарашди.

«...Қорачадан келган йигит, ўзига келди шекилли, шеригига бир қараб олди-ю, аста ўрнидан туриб унга яқинлашди. Унинг важоҳати ёмон эди.

— Ким у ҳазрати Довуд, кўрганмисан? — Йўқ, кўрмаганман.

— Қаерда туради, биласанми? — Йўқ, билмайман.

— Унда нега ўзи йўқ одамдан кўрқасан, онангн... — Кўлингизни кўтариб тўсатдан шарақлатиб шапалоқ туширди».

Бу эпизоднинг муҳим жиҳати шундаки, жиноятчиликнинг минглаб турини билувчи бу одамлар умурларида биринчи марта ўғирлик билан боғлиқ ғалати воқеанинг гувоҳи бўлган эдилар. Шундан сўнг воқеалар янада шиддатли тус олади. Тўхтамуроддан ҳаромхўр одамлар ўзларининг маъенини мустаҳкамлашда фойдаланган бўлсалар, жиноятчилик дунёси одамлари ҳам унинг «ғалати»лигини ўз ўрнида устамонлик билан баҳраманд бўлишди.

Шу ўринда яна бир вазиятга китобнинг аътибори жалб қилинади. Бу Тўхтамуроднинг иши билан шугулланган прокурор билан боғлиқ эпизоддир. Туман прокурорини ишни вақтор экан, иш юзасидан тўплаган материаллар, биринчидан, саводсизларча йиғилгани, иккинчидан, ўғри

лиги тўғрисида ҳам тўхталишга тўғри келади. Қосим қирриқ гаражда ишлайётганларни йиғиб: «Хаммамиз шунча йилдан бери темир-терсак, техниканинг орқасидан кун қўриб, бола-чака боқиб келаямиз. Хар йили пиримиз хазрати Довуд отага атаб мол сўйиб, қон чикарамиз. Хуллас, темирга ҳамма йиғилсин. Уртага битта эгарини ташлайман. Ҳамма хазиратда «агар ўтираган бўлсам, хазрати Довуд ота урсин» дея қасам ичиб, хатлаб ўтсин. Шунда ҳам тоғилмас, майли, помпаннинг пулини мен тўлайман», — дейди.

Кўришиб турибдики, азалдан халқ орасида машҳур бўлиб келаётган турли касб-ҳунарлар билан боғлиқ турли ва авлиёлар, уларга сингиши аънавини ушбу қиссада ҳам муҳим вазифани бажармоқда. Бундан ташқари қиссада сигирини ўғирлаган Нормуроднинг кўшнчилик ҳурмати учун қўйиб юборишни сўраган Бобойнинг эл-юрт олдида изза бўлиб қолишдан кўржиши ҳақидаги гапи, ўглини ўқишга қиритиш мақсадида жамоанинг ўтизта қўйини ўғирлаб, ўғрини топиш мақсадида маҳалла раисининг чўпон

Маълумки, жаҳонда рўй бераётган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ўзгариш, умумбашарий аҳамиятга молик янгиликлар қачонлардир ўз миллий ҳаёт тарзига тушиб олган катта-кичик мамлакатларга ҳам у ёки бу даражада таъсир кўрсатмай қолмайди. Масалала шу нуқтаи назардан ёндошилса, «Ғалати ўғри» асари ҳам тасодифан дунёга келмаганлиги маълум бўлади. Уни варақлаган китобхон куз ўнгида асрлар буйи ўзига хос аънавалар руҳида яшаётган Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари одамлари турмуши бозор иқтисодиёти шароитида ўзгараётганлиги, инсон ҳаётига авваллари нотабиий туолган айрим ҳолатларнинг кириб келиши, энг асосийси, ўз иқомиятидан баланд маъвога эришиш учун курашишлари намоян бўлади.

Тўпلامдан бир қисса ва бешта ҳикоя ўрин олган. Қисса «Ғалати ўғри» деб номланган. Китобхон вақоланган ўғри бўлади-ю, у қандай ғалати бўлиши мумкин деган уйга боради. Асар қаҳрамони Тўхтамуроднинг ҳаёт тарзи билан танишганидан сўнг, унинг нопок йўлга кириб қолишига сабаб бўлган фактлар, йигитнинг ички оламидаги зиддиятлар ва ниҳоят, ўғирликнинг фош қилиниши билан боғлиқ бадий детал қиссанинг шундай номлашига туртки бўлганига инсон ҳосил қиласиз.

Асар шу даражада самимий ёзилганки, уни ўқиган одам Тўхтамуроднинг ўғирлик қилишига мажбур бўлган ҳолатига ниҳоятда ачиниш ва алам билан қарайди. Чунки унинг бошига тушган норочорлик бозор иқтисодиёти шароитига ўтган ҳар қандай оилада содир бўлиши мумкин. Ёзувчи шундай вазиятга тушиб қолган одам аввало ақл-идрокни, имкониятини ишга солиш иш юритса, ҳеч қачон ёмонлик ботқоқига ботиб қолмаслиги, инсон

ҳеч қачон соғ-саломат бўла туриб камбағаллик ва бирорларга тобе бўлиш даражасига тушмаслигини Тўхтамурод образи орқали тасвирлар экан, халқимиз учун долзарб муаммо бўлиб қолаётган қонунларни яши билмаслик ҳуқуқини танимасликдек муҳим масалани илғари суради. Тўғри, қиссада Тўхтамурод ўғирлик қандай оқибатга олиб келишини билади, бирок иродасизлик уни иккилантиради. Унинг ўғирлик содир этгандан кейинги ҳолати асарнинг асосий ғоясини очига ёрдам беради. Тўхтамуроднинг тақдирини муаллифнинг асар устида астойдил ишлаганлиги, ҳаётини ҳар доим ҳуқуқшунос-ижодкор сифатида синчковлик билан кузатиб борганлигидан далолат беради.

Қишлоқ жойларнинг доимий фитанчи одамлари типидидаги Ўсар чўлқ, хизмат бурчини ҳалол бажара олмай юрган профилактика инспектори Норкизил, ҳаёти жиноятчилик билан ўтиб келаётган ва қамқоқи ўзининг иккинчи уйи ҳисоблайдиган Жаббор пахан, бениқош туғилиб болалар уйда ўсган ўғри Релиқ, қўшнсининг сигирини ўғирлаган Нормурод ва сигирини ўғирлаган бобо сингари персонажлар ҳақида ҳам муҳим фикрларни айтиш мумкин. Қиссанинг асосий ғоясини ечимини топишда Тўхтамурод тақдирига боғлиқ бу персонажларнинг асарда ўз ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Шу ўринда ҳуқуқ-тартибот органларига тасодифан жойлашиб қолган айрим милиция ходимлари, бундай кимсаларнинг хозирги кундаги типик

HUQUQ OLAMIDAN HANGOMALAR «СЕХРАИ ДИЁР»НИНГ ҒАЛАТИ ҚОНУНЛАРИ

Огайо штатининг Оксфорд шаҳрида аёлларнинг олдида эркак кишининг расми бўлса, ечиниси жиноятга дахлдорлигини билдиради.

Клинтон Каунтига бориб қолсангиз, қаерда дам олишни яхши билинг. У ерда маъмурий биноларнинг деворига суняиб турган киши жазоланиши мумкарар.

Оклагомада шаҳар мэрининг руҳсатисиз итларнинг учтадан ортиқ тўпلامиб туршии тақиқланади.

Оклагома Ситида тўғри юринг, негаки, бу ерда кўчада орқачасига юриб, гамбургер ейиш мумкин эмас.

Гавайи штатидаги Гоголулу шаҳрида жиёбондаги қушларга «тегажоглик қилиш» тақиқланади.

Жоржиянинг Колумбус шаҳрига бориб қолсангиз, яна бирортасини ўзбекчасига меймон қиламан деб, товук сўйиб юрманг, нақд қамалиб кетасиз-а.

Монтана штати худудида юк машинасига қўй ортши ҳам тақиқланган, бирок агар чўпонини бирга бўлса мумкин.

Голливудда эса, чўпонни борми-йўқми барибир, кўчадан 2000 дан ортиқ қўй ҳайдаб ўтиб бўлсиз!

Литтл Рок шаҳрига машина ҳайдаб борсангиз, бутерброт ва салжин ичимликлар сотиладиган жойда сигнал бера кўрманг.

Ню Хемпширда денгиздан чиққан ўтларни йиғиш тақиқланади.

Флориданинг Пенсакола шаҳри фуқаролари ўзлари билан қамийда 10 доллар пул олиб юришлари шарт.

Калифорниянинг Лафайет шаҳрида бирорта одамга бир метр яқинликда тупуриш жиноят ҳисобланади. Сан-Францискога фил билан борсангиз арқонини бўшатманг, ақ холда қамаласиз. Лекин қуёшда маза қилиб қорайишигиз мумкин, чунки бу штатда ўз фуқароларига қуёшда қорайиш ҳуқуқини берувчи руҳсатнома бор.

Ню Жерсининг Мэнвилл шаҳри ҳайвонот боғидаги ҳайвонларга тамаки ва спиртли ичимлик тақлиф қилиш тақиқланган.

Балтиморда театрға ўзингиз ёки одамлар билан бориң. Яна театрға шерлар билан кириб юрманг, ақ холда жиноят қилган бўласиз.

Провиденс шаҳарчасида (Род-Айленд) дўконларда яқшаба кун тиш пастраса ва чўтқасини бир кишига бирга сотиш мумкин эмас.

Элёр ХАЛИЛОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Самарқанд вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари қурилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи **Фохридин ЖУЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўкур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Аллаберди МУСУРМОҢОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси **Мавлюда ЭРҒАШЕВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Тошкент авиация транспорт прокурори Улмасбой Отабоевга падарибузруквори **ТУРҒУНБОЙ отанин**г вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси жамоаси Тошкент авиация транспорт прокурори Улмасбой Отабоевга падарибузруквори **ТУРҒУНБОЙ отанин**г вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

HUQUQ yuridik gazeta
Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV
Tahrir hay'ati:
Bahriiddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'rib chiqiluvchi), Lola SHOMURODOVA, Maxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatkichi shart. Tjorat ahamiyatiga molik matnienalar belgisi ostida chop etiladi.
Buyurtma — 561. 14584 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va saqlanadi. «HUQUQ» original maketi.
Nashriyot muharriri: **D.ESHMURODOV**
Mudabir: **A.MUSTAFOYEVA**
Gazeta «Sharq» MMK bosmaxonasida o'tset usulida chop etiladi. Korxonani manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda
12345 78